

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

УДК 528.54

Кўлёзма хукукида

ИСРАИЛОВА УМИДА ХОЛЖИГОТОВНА
БАРОМЕТРИК НИВЕЛИРЛАШ УСУЛЛАРИНИ ВА АНИҚЛИГИНИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ

5А311502 - Геодезия ва картография (амалий геодезия)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Диссертация кўриб чиқилди ва
химояга рухсат берилди.

Илмий раҳбар:
т.ф.н. доцент., Исаков. Э.Х

Д.О. Жўрақулов
“ГКК” кафедраси мудири

САМАРҚАНД - 2016

Мундарижа

| | |
|--|----|
| Кириш | 3 |
| 1-БОБ. Барометрик нивелирлаш ва унинг моҳияти..... | 8 |
| 1.1. Барометрик нивелирлаш ва унинг хусусиятлари | 8 |
| 1.2. Барометрик нивелирлашда қўлланиладиган асбоблар | 13 |
| 1.3. Атмосфера ва унинг хоссалари | 14 |
| 2-БОБ. Барометрик нивелирлашда фойдаланиладиган асбоб ускуналарни тадқиқ этиш | 18 |
| 2.1. Ҳароратни ўлчаш асбоблари | 19 |
| 2.2. Барометр анероид | 19 |
| 2.3. Микробарометр | 27 |
| 3-БОБ Барометрик нивелирлаш аниқлигини илмий тадқиқ этиш..... | 33 |
| 3.1. Барометрик нивелирлашда хатоликлар | 33 |
| 3.2. Барометрик нивелирлашни ҳисоблаш..... | 37 |
| 3.3. Нисбий баландликларни ҳисоблашнинг барометрик усуслари | 39 |
| 3.4. Барометрик нивелирлаш усуслари | 44 |
| 3.5. Вақтинчалик барометрик станцияга таянувчи ёпиқ йўллар усули | 45 |
| 3.6. Вақтинчалик барометрик станциясиз йўллар усули..... | 46 |
| 3.7. Кўчма барометрик станция усули | 48 |
| 3.8. Бир нечта таянч станциялар усули | 49 |
| 3.9. Барометрик нивелирлаш натижаларини камерал ҳисоблашни автоматлаштириш..... | 50 |
| 3.10. Самарқанд вилоятига мос келувчи барометрик нивелирлаш..... | 58 |
| Хулоса | 65 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 68 |

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарбилиги. Ўзбекистон

Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги ва замонавий технологияларни, фан-техника ютуқларини, илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча соҳалар каби геодезия, картография, кадастр соҳалари ҳам ривожланмоқда. Кундан кун бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда кўпдан кўп бозор иқтисодиётига оид масалаларни тез ва самарали қилиб ҳал қилиш геодезист ва картографлардан чуқур билим ва маҳорат касб этади [1].

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография” тўғрисидаги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида республикамиз худудида давлат геодезик тармогини ер йўлдоши тизими технологияси буйича такомиллаштириш масаласига кўп миқдорда маблағ ажратиб бу соҳанинг ривожига катта аҳамият берилмоқда [2]. Авваломбор шуни таъкидлаш жоизки, темир ва автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларини бажариш учун давлатимиз ва мутахассилар томонидан илмий ва амалий ишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Темир ва автомобиль йўллари замонавий талабга жавоб берадиган ҳолда қуриш ва қайта қуриш таъмирлаш ишларини бажарилишда белгиланган тартибда ва таркибдаги геодезик топографик ишларини амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон худудида асосан аҳоли тоғ олди ва тоғ худудларида яшашади. Бундан келиб чиқиб саноатни ривожлантириш, қурилиш бунёдгорлик ишлари, инфратузилма, коммуникация, йўлларни ушбу худудда яратиш талаб қилинади. Фойдали қазилмаларни излаш, геофизик ва геологик қидирув ишларида, географ ва археологлар рельефи қийин худудларни карталаштиришида, умуман рельеф қийин ва бориш имконияти қийин худудларни топографик планини ёки абсолют баландликларни аниқлашда барометрик усулдан фойдаланиш мақсадга

мувофиқдир. Шу боис тоғли ва тоғ олди худудларда барометрик нивелирлаш усулларини амалга ошириш талаб этилади ва барометрик нивелирлаш аниқлигини илмий тадқиқ этиш ҳамда аниқлигини ошириш бугунги кунда замон талаби даражасига айланиб бормоқда.

Барометрик усул ердан баланд кўтарилиган сари ҳаво босиминиг камая бориши қонуниятига асосланган. Барометрик нивелирлаш натижасида нукталарнинг баландлиги 1-2 метр аниқликда аниқланади. Шунинг учун аниқликда нивелирлаш талаб қилинмайдиган ишларда масалан турли экспедицияларда, геофизик, геологик, геоморфологик, географик ва бошқа текширишларда бирор жойнинг рельефи дастлабки ўрганишда нивелирлашнинг бу туридан фойдаланилади [3,4,5,6].

Шунинг учун барометрик нивелирлашни қўллаш имкониятларини ва усулларини яратиш, ундаги ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш, арzon ва аниқ замонавий асбобларни Ўзбекистон шароитида қўллашга таклифлар киритиш учун қўйилган мақсад ва вазифалар назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьектининг фарқловчи хусусиятлари янги ечимларни шакллантириш ва илмий ҳулосалар қилиш орқали кўрсатиб берилади. Ўрганилаётган обьектларнинг фарқловчи хусусиятлари (тоғли худудларда барометрик нивелирлаш усулларини афзаллиги ва аниқлиги маълум масалаларни ечишда етарли эканлиги, арzon ва тез суръатларда бажарилиши ва хаказолар) аниқланади. Шу асосда диссертация иши шакллантирилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади барометрик нивелирлаш усулларини илмий тадқиқ этиш, арzon ва самарали замонавий барометрик асбобларни қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқиши, ҳисоблаш ишларини автоматлаштиришдан иборатdir

Ишнинг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар танлаб олинди:

1. Барометрик нивелирлаш хақида тушунчаларни таҳлил қилиш ва ўрганиш

2. Барометрик нивелирлашни қўллаш соҳаларини аниқлаш

3. Атмосфера ва унинг хоссаларини ўрганиш

4. Барометрик формулаларни таҳлил қилиш ва ҳисоблаш формулаларига Ўзбекистон шароитига мос келадиган тузатмаларни киритиши

5. Барометрик формулалар ёрдамида нисбий ва абсолют баландликларни ҳисоблашни автоматлаштириши

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- барометрик формулаларни таҳлил қилиш ва ҳисоблаш формулаларига Ўзбекистон шароитига мос келадиган тузатмалар киритилди;
- барометрик формулалар ёрдамида нисбий ва абсолют баландликларни ҳисоблашни автоматлаштирилди;
- фойдаланиш учун содда ва элементар алгоритмлар орқали қулай дизайнли менюга эга дастурий таъминотни ишлаб чиқилди;
- барометрик нивелирлашни қўллаш имкониятларини аниқланди;
- арzon ва аниқ замонавий асбобларни Ўзбекистон шароитидаги қўллашга таклифлар киритилди;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Тадқиқот гипотезаси: “Барометрик нивелирлаш усуллари, аниқлиги, қўллаш соҳаси, замонавий асбобларни танлаш” га қаратилган. Ушбу масала шу вақтгача илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолган эди. Шу боис мазкур тадқиқотнинг илмий фарази (гипотезаси) ва асосий илмий масалалари шунга йўналтирилганки, улар юқорида қўйилган асосий муаммо, яъни барометрик нивелирлаш усуллари аниқлигини оширишни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили): Ушбу мавзуу бўйича чет элда кўплаб илмий тадқиқотлар ва ишлар қилинган. Аммо бу йўналишда мамлакатимизда илмий таҳлиллар, фаразлар, уни кўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки Ўзбекистонда уни кўллаш орқали анча иқтисодий самарадорлика эришиш мумкин. Шу боисдан барометрик нивелирлаш усусларини илмий тадқиқ этиш ва уларни янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Шундай экан, ушбу масала долбзарлигидан ташқари унинг аниқлиги ва сифати юқори бўлиши таъминлаш зарур. Юқори аниқликдаги материални олиш учун албатта замонавий асбоблар, замонавий дастурлар ва технологиялар ҳамда усусларни қўллаш лозим бўлади.

Барометрик нивелирлаш XVIII-XIX асрларида янада ривожланди. Бу усуслни ривожлантиришда салмоқли ҳиссасини рус олимлари М.В. Ламоносов, М.В Певцов, Д.И Менделеевлар ҳисса қўшганлар. М.В Ломоносов атмосфера таркибини турли газлар аралашмаси сифатида очди, унинг хоссаларини ўрганди ва газли барометрни кашф этди. У “атмосфера” атамасини киритди.

Барометрик нивелирлашни ривожлантиришга П. А. Гайдаев, С. И. Блохин, Ю. А. Жилин, И. Н. Кулаков, А. Г. Прихода, Р. Э. Миникес, А. Г. Петров, А. С. Чеботарев ва бошқалар ҳисса қўшганлар.

Тадқиқотда қўлланилган методиканиг тавсифи.

Ушбу тадқиқот ишини бажаришда таққослаш, қиёслаш, бозор ёндашув, назорат таҳлил қилиш, замонавий дастурларни яратиш, автоматлаштириш ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларидан тоғли худудларда дастлабки топогеодезик, қидирув ишларини бажаришда фойдаланилди, янги ҳисоблаш дастурлари яратилади, Ўзбекистон шароитига мос келувчи ҳисоблаш формулалари ишлаб чиқилади. Бунинг ҳисобига барометрик нивелирлаш усуслари аниқлиги ошади ҳамда уни бажариш бўйича меъёрий техник хужжатлар

ишлиб чиқилади. Пировард натижада бундан бир қанча соҳа мутахассислари фойдаланишади.

Иш тузилмасининг тавсифи: Диссертация мавзуси бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларининг натижалари 2015-2016 йил, СамДАҚИ да бўлиб ўтган ёш олимлар, магистрант ва бакалавриатларнинг анъанавий X-XI республика илмий-назарий конференцияси материаллари тўпламида 4 та тезис чоп қилинди ва маъruzza қилинди.

I-БОБ. БАРОМЕТРИК НИВЕЛИРЛАШ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Барометрик нивелирлаш ва унинг хусусиятлари

Табиатда ҳаво уммони ерда яшовчиларга бутун массаси билан босим кўрсатади. Ер сайёраси сирти юзаси 510 млн. km^2 бўлса, унга $5,27 \cdot 10^{15}$ т, га тенг атмосфера босими таъсир этади, бу эса бутун ер шари вазнининг миллиондан бир хиссасини ташкил этади. Ер сиртидан кўтарилиш баландлиги ҳакида фикр юритиш мумкин. Кўндаланг кесими 1 cm^2 тенг бўлган горизонтал юзага атмосферанинг юқори чегарасигача бўлган сатҳдан босадиган ҳаво устуни оғирлиги атмосфера босими деб аталади.

Барометрик нивелирлашнинг моҳияти, ер юзидағи икки нуқта орасидаги баландлик фарқини яъни нисбий баландликни шу нуқталардаги атмосфера босими ва ҳароратини бир вақтда ўлчаш ва ҳисоблаш орқали аниқлашдан иборатdir. Атмосфера босими бирлиги миллиметр симоб устуни (мм.сим.уст) билан ифодаланган. Метрологияда (СИ системасигача) атмосфера босими қилиб миллибар қабул қилинган

$$1 \text{ бар} = 10^6 \text{ дин}/\text{cm}^2.$$

Миллибардаги босим бирлигиниг миллиметр симоб устунига нисбати куйидагича:

$$1 \text{ мм сим.уст.} = \frac{0,1\text{cm}^2 \cdot 13,596\text{г}/\text{cm}^3 \cdot 980,6\text{cm}/\text{s}^2}{1\text{cm}^2} = 1,333224\text{дин}/\text{cm}^2 =$$

$$0,001333224\text{бар} = 1,333224 \text{ мбар} \approx 4/3 \text{ м бар.}$$

Бу ерда $13,596 \text{ г}/\text{cm}^3 - 0^\circ$ даги симобнинг зичлиги; $980,6 \text{ см}/\text{s}^2$ денгиз сатҳидан 45° кенглиқдаги тортиш кучи тезлиги.

Шунингдек,

$$1 \text{ мбар} = 0,750062 \text{ мм сим. уст} \approx 3/4 \text{ мм сим.уст.}$$

Халқаро СИ системасида куч бирлиги ньютон (Н), босим бирлиги - паскаль (Па);

$$1 \text{ Па} = 10^{-5} \text{ бар} = 7,50062 \cdot 10^{-3} \text{ мм сим.уст.}$$

Паскаль – жуда кичик бирлик, шунинг учун атмосфера босимини ўлчаш учун гектопаскаль (ГПа) ($1\text{ГПа}=100\text{Па}$) ва килопаскаль (кПа) ($1\text{кПа}= 1000 \text{ Па}$) қўлланилади.

Масалан:

$$1 \text{ ГПа} = 0,001 \text{ бар} = 1 \text{ мбар} = 0,750062 \text{ мм сим.уст.}$$

Атмосфера босимини денгиз сатҳидаги ўртача қиймати 760 мм сим.уст. = 1013,25 мбар = 1013,25 ГПа қабул қилинган, аммо у мунтазам равища ўзгариши мумкин.

1684 йилда Паскаль ва Перъелар Франциянинг тоғлик районидаги Пюи-де-Дом тоғида тажриба ўтказишида ва натижада тоғ асосига нисбатан тоғ чўққисида трубкадаги симоб сатхининг пастлиги аниқланди. Шундан кейин атмосфера босими тўғрисидаги Торричелли назарияси исботланди. Кейин Паскаль ва Перъелар бир қанча тажрибалар ўтказиб, Торричелли трубкасини икки нуқта орасидаги фарқни аниқлашда қўллаш мумкинлигига асос солинди.

Барометрик нивелирлашнинг бошқа усувларга нисбатан устунлиги шундаки, уни олиб бориша кўриш боғлиқлиги ёки механик боғлиқлик талаб этилмайди. Нивелирлашда самолётлар, вертолётлар ва автотранспортдан самарали фойдаланилади. Аниқлиги жиҳатидан бошқа усувларга қараганда паст барометрик нивелирлаш геоморфологик ва географик текширишларда, фойдали қазилмаларни топишдаги геофизик текширишларда, структурали геологик сёмкаларда, гидротехник изланишларда ва бошқа ишларда қўлланилмоқда. Масштаби 1:25000 карталарни яратишида барометрик нивелирлашни қўллаш устида иш олиб борилмоқда. Бунинг учун нисбий баландликлар 0,3-0,5 м гача аниқланган бўлиши керак.

Вертикал йўналишда атмосфера бешта асосий қатламга бўлинади. Улар тропосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера, экзосфера. Тропосфера 8-17 км ни ташкил этади. Тропосфера 4/5 атмосфера массасини ташкил этади. Ер юзига таъсир этадиган атмосфера босими $5,27 \cdot 10^{15}$ т. ташкил этади. Газлардан ташкил топган атмосфера босим, ҳарорат ва зичликдан иборатdir. Атмосфера доимий ҳаракатда. У Ернинг Қуёш атрофида айланишида иштирок этади. Атмосферанинг ҳар қайси нуқтасида атмосфера босими даврий ва нодаврий тебранишларни синааб кўради. Вақтга нисбатан метеорологик элементларнинг фазодаги ўзгаришини характерлашда эквискаляр юза тушунчаси киритилган, яъни ҳар нуқтада элемент доимий катталикка эга.

Ҳар қайси метеорологик элементлар эквискаляр юзада қўйидагича номланади: босим изобарик юза, ҳарорат-изотермик юза, зичлик-изопикник юза ва ҳоказо.

Статиканинг асосий тенгламаси

$$-dP - g\rho dH = 0 \quad \text{ёки} \quad -dP = g\rho dH \quad (1)$$

dH баландликларининг кичик ўзгаришлари учун, фақат баландлик бўйича ҳаво массаси ва зичлигини тарқалиш қонуниятини берди.

Барометрик формулани олиш учун тенгламани ўнг ва чап қисмлари интегралланади.

$$\int_{P_0}^P -dP = \int_0^H g\rho dH$$

ёки

$$-P + P_0 = \int_0^H g\rho dH$$

$$\text{бундан} \quad P = P_0 - \int_0^H g\rho dH \quad (2)$$

Түлиқ барометрик формула. Лаплас формуласи.

$$h = H_2 - H_1 = \frac{M' P_0}{P_0 g_{0,45}} \left(1 + \alpha t_m \right) \left(1 + 0,378 \frac{e_m}{P_m} \right) \times \\ \times \left(1 + \beta \cos 2\varphi_m \right) \left(1 + \frac{2}{R} H_m \right) \lg \frac{P_1}{P_2} \quad (3)$$

Бу ерда $\frac{M' P_0}{P_0 g_{0,45}} = K_0$ доимий барик коэффициент.

$M' = 2,30259$, $P_0 = 1013,25$ ГПа = 101325 кг/с 2 , $\rho_0 = 1,293$ кг/м 3 , $g_{0,45} = 9,8062$ м/с 2 бўлганида $K_0 = 18400$ тенг бўлади.

K_0 хисобга олиб (3) формула охирги кўринишини олади

$$h = H_2 - H_1 = K_0 \left(1 + \alpha t_m \right) \left(1 + 0,378 \frac{e_m}{P_m} \right) \times \\ \times \left(1 + \beta \cos 2\varphi_m \right) \left(1 + \frac{2}{R} H_m \right) \lg \frac{P_1}{P_2} \quad (4)$$

(4) формула Лапласнинг түлиқ барометрик формуласи бўлиб хисобланади. Түлиқ барометрик формуласи қўплаб олимлар томонидан яратилган.

Шуни қайд этиш керакки, түлиқ барометрик формулалар ёрдамида, нафақат, жойдаги нуқталар орасидаги нисбий баландликлар аниқланади, улар бошқа илмий-текшириш ишларида ҳам қўлланилади. Уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- космик кемалар ва ракеталар, Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида атмосфера юқори қатламлари хусусиятларини ўрганиш;
- баландлик бўйича босимнинг тарқалиши ва зичлигининг хисоби;
- дengиз сатҳига босимни келтириш;
- ўлчанган босим бўйича ҳар хил учувчи аппаратларнинг баландлигини аниқлаш.

$$h = H_2 - H_1 = K_0 \left(1 + \alpha t_m \right) \left(1 + 0,378 \frac{e_m}{P_m} \right) \times \\ \times \left(1 + \frac{2}{R} h g_m \right) \left(1 + \beta \cos 2\varphi_m \right) \left(1 + \alpha H_m \right) \lg \frac{P_1}{P_2} \quad (5)$$

(5) формула А.Г. Приходанинг тўлиқ барометрик формуласи. Тўлиқ барометрик формулани хисоблашларда ишлатиш жуда қийин бўлганлиги учун қисқартирилган барометрик формулалардан фойдаланилади.

М.В. Певцовнинг қисқартирилган барометрик формуласи. Рус олими М.В. Певцов, Россиянинг 60 метреорологик станцияларида XIX асрнинг иккинчи 50 йиллигига бажарилган кузатишларни ишлаб чиқиши натижасида қуйидагиларни аниқлади. Россия территориясида ёзги ойларда сув буғлари ўртача босимини $e_m = 9$ мм сим.уст. ва ўртача босимни $P_m = 740$ мм сим.уст. қабул қилиш мумкин. У ўртача кенгликни $\varphi_m = 55^0$ ва ўртача баландликни $H_m = 250$ мм қабул қилди. Певцов e , P , φ ва H катталикларнинг ўртача қийматларини тўлиқ барометрик формулага қўйди ва қисқартирилган барометрик формулани ҳосил қилди.

$$h = N + (1+\alpha t_m) \lg \frac{P_1}{P_2}, \quad (6)$$

бу ерда $N = 18470$.

Бабиненинг қисқартирилган формуласи.

Француз академиги Бабине ҳаво намлиги таъсирини эътиборга олмай ва нологарифмик кўринишлаги қисқартирилган барометрик формулани тавсия этди.

Бабине формуласини (6) формулани бир мунча ўзгартириб ҳосил қилиш мумкин. Логарифмик функцияни чексиз қаторга ёйиш қоидасидан фойдаланиб, қуйидагини ёзишимиз мумкин

$$\lg \frac{P_1}{P_2} = 2M \left[\frac{P_1 + P_2}{P_1 + P_2} + \frac{1}{3} \frac{(P_1 + P_2)^3}{(P_1 + P_2)^3} + \frac{1}{5} \frac{(P_1 + P_2)^5}{(P_1 + P_2)^5} \right]$$

Ёйишнинг биринчи аъзоси қийматини эътиборга оламиз, чунки қолган аъзоларининг қиймати кичик, ҳамда (6) формулага унинг қийматини кўйиб, қисқартирилган барометрик формулани қуйидаги кўринишида ҳосил қиласиз.

$$h = 2MN (1+\alpha t_m) \frac{P_1 - P_2}{P_1 + P_2} \quad (7)$$

$M = 0,43429$, $N = 18470$ ҳисобга олганда $2MN = 16043$ ҳосил қиласиз.

А.Г. Прихода томонидан (5) түлиқ барометрик формуланинг, МДХ давлатлари территориясида бажарилган ишлар, бу ердаги географик кенглик 38^0 дан 75^0 шимолий кенгликгача ўзгариши, баландлик кузатиш нуқталари эса 0 дан 5000 м гача ўзгаришини ҳисобга олган таҳлили, кўрсатадики, (6) формуланинг ўрнига қисқартирилган барометрик формулани қўллаш мумкин.

$$h = h' = K_0 \left(1 + \alpha t_m \right) \left(1 + 0,378 \frac{e_m}{P_m} \right) \lg \frac{P_1}{P_2}, \quad (8)$$

бу ерда $K_0' = 18405$, $\varphi_m = 60^0$, $h_m = 5000$ м, $H_m = 500$ м бўлганидаги таъсирида ҳисобга олинади.

1.2. Барометрик нивелирлашда қўлланиладиган асбоблар

Аниқланадиган нисбий баландликлар асосан иккита ўлчамдаги катталикларнинг функциялари: босим ва ҳарорат эканлиги бизга маълум. Дала ишларини олиб боришда намлик одатда бевосита ўлчанмайди. Агар унинг таъсирини ҳисобга олиш керак бўлса, унда давлат метеорологик станцияларидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Атмосфера босимини ўлчаш асбобларини, уларнинг ишлаш принципларига қараб 4 гурухга бўлиш мумкин: 1) пружинали, 2) суюқлики, 3) газли, 4) термобарометрлар (гипсотермометрлар).

Ҳозирги вақтда барометрик нивелирлашда асосан пружинали ва қисман суюқлилик (симобли) барометрлар қўлланилмоқда. Газли барометр ва гипсотермометрлар умуман қўлланилмайди.

Пружинали барометрлар, бир неча пружиналардан ташкил топган бўлиб, анероидлар (суюқликсиз) номини олган.

Барометрик нивелирлашда XX асрнинг сўнгги 20 йилларда яратилган микробарометрлар кенг тарқалди. Бу асбоб рус олимлари

И.Н.Кулаков, Р.Э.Миникес, А.Г.Прихода ва бошқалар томонидан ишлаб чиқаришга киритилган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда барометрик баландлик ўлчаш автоматлари яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Асбобни синовдан ўтказиш жараёнларида шу нарса аниқ бўлдики, уларнинг аниқлигини 0,1-0,4 м га ошириш мумкин.

Суюқликсиз барометр яратиш ғояси 1697 йилда Лейбниц томонидан айтилганди. Бу ғоя 1844 йилда амалга ошди. Гофриранган ёпиқ идишдан ҳаво сўрилиб, қопқоқ марказига маҳкамланган ричаг индикация системасида ҳаракатланган. Ҳозирги кундаги барометр-анероид 1853 йил Бурдон томонидан таклиф этилган.

1. 3. Атмосфера ва унинг хоссалари

Хаво таркиби: азот, кислород, карбонат ангидрид, водород, гелий, криpton, аzon, радон, аргон, неон, ксенон каби газлардан иборат. Бундан ташқари дарё, денгиз ва океанлардаги сувнинг буғланишида хосил бўладиган сув буғлари бўлади. Атмосферанинг таркиби мураккаб бўлиб, унинг асосий қатламлари трапосфера, стратосфера, мезосфера ва термосфераларга бўлинади.

Газлар жуда сиқилувчан бўлганлиги учун, Ер сиртига яқин турадиган хаво қатламларга унинг устида турган хамма хаво қатламлари босади. Бунинг натижасида атмосфера Ер сиртида анча зич бўлади. Аммо хаво қатлами Ер сиртидан қанча баланд жойлашган бўлса у шунча кам сиқилади. Шунинг учун унинг зичлиги шунча кам бўлади. Масалан, хаво шари Ер сиртидан кўтарилган сари хавонинг шарга босими камаяди. Шунинг учун хаво босими баландликка боғлиқ бўлади. Кузатишлар натижасида денгиз сатхидаги ётган жойларда атмосфера босими ўрта хисоб билан 760 мм.сим.уст. га teng бўлишини кўрсатади. Денгиз сатхидаги 0°C да

баландлиги 760 мм.сим.уст. босимига тенг бўлган атмосфера босими нормал атмосфера босими (Н.А.Б) дейилади.

Агар биз самолётда юқорига кўтарилисак ёки чуқур жойга тушсак, қулоғимиз битиб қолишини сезамиз. Бу атмосфера босимининг баландлик ва чуқурликка боғлиқ холда ўзгариб туришини кўрсатади. Паскаль шу ходисани текшириш жараёнида Торричелли барометрини баланд иморат устига олиб чиқиб, симоб устунининг пасайганини пайқади. Кейин, Паскаль барометрни баланд тоғ чўққисига олиб чиқиб барометр кўрсатгичи ўзгаришини кузатади. Шундай қилиб денгиз сатхидан хар бир 12м баланлликка кўтарилиган сари барометрдаги симоб устини 1ммга пасайиши аниқланди.

Атмосфера босимининг факат баландликка боғлиқ бўлигина қолмасдан, об-ҳавога боғлиқ холда ўзгариб туришини Торричелли ҳам, Паскаль ҳам исботлаб бердилар. Атмосфера босимининг баландликка боғлиқ холда ўзгаришига асосланиб, анероидлар кўтарилиш баландлигини кўрсатишга мосланиб даражаланади. Бундай анероидлар альтиметрлар, яъни баландлик ўлчагич дейилади. Альтиметрлар самолётларга ўрнатилади, бунда учувчилар самолётнинг учиш баландлигини альтиметрга қараб аниқлайдилар. Атмосферанинг энг қуий қатлами трапосфера дейилади. Бу ерда барча ҳаво массасининг 80%и тўпланган. Трапосферада об-ҳаво ходисалари бўлиб туради. Бунда хар бир 100 м баландликка кўтарилиган сари ҳавонинг температураси 0.6°C га пасайиб боради. 10км баландликда $t=-50^{\circ}\text{C}$, босими 28000 Па бўлади. Энг юқори чегарада $t=-70^{\circ}\text{C}$ гача пасаяди. Трапосферадан юқорида стратосфера жойлашган. Ундаги ҳавонинг босими ва зичлиги жуда кам. Ундан юқори қатламларда атмосфера умуман сийрак. Ердаги хаёт учун атмосферанинг аҳамияти катта, атмосфера Ер юзини қаттиқ исиб ёки совиб кетишдан сақлайди. Ер сиртидан 5-6 км баландликда ҳавонинг ярми, 10-11 км да қисми мавжуд. Инсон 4-5 кмгача бўлган баландликда эркин

нафас ола олади. Ундан юқори күтарилиганды кислород билан нафас олишга имкон берадиган махсус асбоблар қўлланилади.

Атмосферанинг тузилиши.

| Қатламлар | Баландлик, км ҳисобида | | Ўтувчи катламлар (пауза) |
|-------------|------------------------|-------------------|-----------------------------|
| | Қуйи чегараси | Юқори чегараси | |
| Тропосфера | 0 | 8-17 | Тропопауза |
| Стратосфера | 9-18 | 50 | Стратопауза |
| Мезосфера | 55 | 80 | Мезопауза |
| Ионосфера | 85 | 700-800 | Тропопауза |
| Экзосфера | 800 км дан баланд | | |

Атмосфера ҳавосининг таркиби

| Газлар | Миқдори, % ҳисобида |
|---|---------------------|
| Азот | 78,10 |
| Кислород | 20.93 |
| Аргон | 0.93 |
| Карбонат ангидрид | 0,06 |
| Водород, гелий, неон, криптон, ксенон ва бошқалар | 0,01 |

Босимни ўлчаш учун қуидаги асбоблар қўлланилади. Симболи барометр баро-оғирлик, босим, метр-ўлчайман.

1. Барометр анероид;
2. Барограф;
3. Высотометр;

Босимнинг динамик ўзгариши

а) ҳаво исигандада кенгаяди ва у шу жойдан бошқа томонга оқади, натижада босим пасаяди.

б) ҳаво исигандада зичлашади, оғирлашади ва босим қўтарилади.

в) бизга бошқа районлардан ҳаво келса босим ортади, агар биздан бошқа районларга кетса пасаяди. Босим градиенти – масофа бирлигидан босимнинг мм ёки мб ҳисобида ўзгаришидир. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

Л и т о с ф е р а-ернинг қаттиқ қавати бўлиб, унинг қалинлиги 50 км дан 200 км гача боради. Литосферанинг юқори қисми Ер пўстлоғини, пастки қисми эса Ер мантиясини ҳосил килади.

Г и д р о с ф е р а - ернинг сувли қавати ҳисобланиб, абадий музликларни, океанларни, денгизларни, кўлларни ва дарёларни ўз ичига олади. Бизнинг планетамизнинг умумий майдони 510 млн. км^2 бўлиб, шундан 361 млн. км^2 (71%) ни гидросфера, қолган қисмини эса, яъни 149 млн. км^2 (29%) ни қуруқлик ташкил қилади.

Б и о с ф е р а - ернинг тирик организмлар жойлашган қисми. Демак, биосфера тирик организм йифиндисини ташкил этувчи оддий бир ҳаёт бўллаги бўлмасдан, балки бир бутун ва термодинамик қонуниятга бўйсунувчи жой ҳисобланиб ундаги ҳаёт ноорганик муҳит шароити билан барча тирикликтининг доимий ва ўзаро таъсирида бўлади.

Ташқи муҳитнинг асосий омиллари (харорат, босим, сув, кимёвий элементлар, ёруғлик) мавжуд бўлган жойда тирик организмлар фақат яшабгина қолмасдан балки ўзидан кейин авлод хам қолдиради. Тирик организмлар атмосферада 22 км баландликда, литосферада 4—5 км, баъзи бир маълумотларга қараганда 5—7 км гача ва гидросферада 11 км чуқурликда учраши мумкин.

Атмосфера ва унинг айрим қисмларда физик ҳолати атмосферанинг ер сирти билан ва ички жараёнларни таъсири натижасида узлуксиз ўзгариади.

Атмосферага ташқи томондан таъсир қилувчи ташқи кучлар оғирлик кучи ва ернинг четлантирувчи айланиш кучи (кориолис кучи) ҳисобланади, атмосферадаги таъсир этувчи ички ва сирт кучлари бўлиб босим кучи ва ишқаланиш кучи ҳисобланади. Ер айланиш кучи ва ишқаланиш кучи ер сиртига нисбатан атмосфера ҳаракати ёки унинг баъзи қисмларининг бир бирига нисбатан ҳаракати мавжуд бўлганда пайдо бўлади. Секин холатда атмосферада фақат босим кучи ва оғирлик кучи таъсир қиласиди.

Атмосферанинг ҳар бир нуқтасида (еर сиртида тропосферанинг пастки қатламларида атмосфера босими даврий ёки даврий мас тебранишларга учрайди. Атмосфера босими пайтида сутка давомида даврий ёки тўғри тебранишлар бўлиб атмосфера босими суткалик бориши ҳисобланади. Текис жойда суткалик тебраниш максимуми оқшомда, минимуми кундузи кузатилади, баланд жойда эса аксинча даврий тебранишларнинг сабаби ҳавонинг суткалик қуёш ва ой тортиш кучи таъсирида атмосферадаги қайтиш тўлқинлари ҳисобланади. Битта нуқтада босимнинг маълум вақт ораликларида ўлчашлар кўрсатадики, у доимий ўзгаради. Атмосфера босимнинг бир нуқтада бир соат давомида метереологияда 3 соат давомида барометрик тенденция деб аталади. Барометрик тенденциянинг максимум қийматлари 1.5 ГПа/с ва ундан ортиқقا ортиши мумкин.

Оғирлик кучи ва қуёш радиатцияси атмосферага таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади. Ер ўзи қизиб нурланиш манбасига айланади. Ер сиртидаги атмосфера қуий қатламларида ҳаво қизиб совук ҳавога жой бориб юқорига кўтарилади, яъни массаларининг узлуксиз ҳаракати рўй беради, бу эса бир хил совук сиртларида жойлашган нуқталардаги босим турлича бўлади. Ҳаракати қуёшдан, балки қўшни кўпроқ қизиган ҳудудлардан ҳам келади ва ҳаракат атмосферага кетади балки унга қизимаган ҳудудлар ва тупроқни иситишга кетади.

Циклофик фаолиятини ҳам эътиборга олиш лозим: ер атмосферасида циклонлар ва антициклонлар пайдо бўлиши ривтмик силжиши. Циклоник фаолият одатда мўтадил кенгликларда бўлади. Циклон-паст босимли ҳаволи атмосфера қўзғалиши (марказда минимал босим) бўлиб циклон ярим шарда соат стрелкасига қарши, жанубий ярим шарда соат стрелкаси бўйича марказ атрофида ҳаво циркуляциясидан иборат.

Циклон ва антициклон кундалангига бир неча минг километрга чўзилиши мумкин. Атмосферанинг миқдорий характеристикиси маълум вақтда ҳаракат, босим, ҳаво намлиги, шамол тезлиги ва х.клардан иборат метрологик элементлар билан аниқланади.

Атмосфера ҳолати вақт ва фазода узлуксиз ўзгариши рад этгани учун метереологик элементлар ҳам ўзгаради. Метереологик элементларнинг қандайдир вақт моментида фазовий ўзгаришининг характеристикиси учун ҳар бир нуқтасида элемент ўзгармас катталикни сақлайдиган эквискаляр сиртлар тушунчаси киритилади, турли эквискаляр элементлар эквискаляр сиртлари қўйидагича номларга эга: босимнинг-изобарик сиртлар, ҳарорат-изобарик сиртлар, зичлик-изопикник сиртлар ва х.к.

2-БОБ. Барометрик нивелирлашда фойдаланиладиган асбоб ускуналарни тадқиқ этиш

2.1. Ҳароратни ўлчаш асбоблари

Барометрик нивелирлашда ҳароратни ўлчаш учун термометр-пращ ва ҳар хил қурилмали қаршилик термометрлари асосий асбоб бўлиб ҳисобланади.

Термометр-прац. ТМ8 қалин деворли капиллярдан иборатdir. Капилляренг симоб жойлашган томони цилиндр шаклида, бошқа томони эса ипни боғлаш учун шиша шарик ёки металли уч билан тугайди (2, а-расм).

Асбобнинг узунлиги 170-200 мм, ташқи диаметри эса 8 мм. Шкалалар бўлак қиймати $0,5$ ёки 1° , ўлчаш диапазони $+50$ дан -36°C гача.


Термометр билан ҳароратни ҳаракатсиз равишда қабул қилиш тезлиги 100 с атрофида. У иссиқлик алмашинуви интенсивлиги ва термометр параметрларига боғлиқдир.

Ҳаракатланувчан ҳавода бу жараён жуда тез кечади. Шунинг учун термометр-працга ип боғланиб бош устида 100 марта айлантириб саноқ олинади (2, б-расм).

Ҳарорат бир неча марта ўлчанади, бунда термометр кўрсатиши орасидаги фарқ $0,3$ - $0,4^{\circ}$ дан ошмаслиги керак.

Аспирацион психрометр. Ҳароратни ўлчаш учун энг яхши асбоблардан бири психрометрик термометрлар ҳисобланади. Улар

барометрик нивелирлашда кенг қўлланилмоқда.



Термометрнинг энг кичик бўлак қиймати $0,2^{\circ}$ тенг, ҳаракатсиз ҳаводаги инерция коэффициенти 100 с. Асбоб билан $+50$ дан -35°C гача бўлган ҳароратни ўлчаш мумкин.

Қаршилик термометри. Бу асбоб ёрдамида ҳаво

ҳароратини ўлчашни дистанцион равишда амалга ошириш мумкин, яъни маҳсус мачда ёки дарахтга осилган термометр билан ҳаво ҳароратини ер сиртидан 10-15 м масофада ўлчаш мумкин. Бу ҳароратни ўлчаш натижаларига тўшама сиртларнинг таъсирини камайтириш имконини беради.


2.2. Барометр-анероидлар.

Суюқликсиз барометрни ясаш ғояси 1697 йилда Лейбниц томонидан айтилган эди. У биринчи марта 1844 йилда Види томонидан амалга оширилди. У гофриарланган қопқон билан етилган метта қутидан фойдаланди ва ундан ҳаво суриб олинди. Қопқон марказига беркитилган ричаг индикацион системасига таъсир кўрсатди. Ҳозирги пайтда маълум барометр-анероид 1853 йилда Бурдон томонидан таклиф этилган.

Пружинали барометрлардаги ўлчанаётган босим деформацияси босим катталиги билан маълум турғун боғланишда бўлган пружинанинг эластик кучлари билан тенглашади ва босим ўлчови ҳисобланади.

Анероид қути олдиндан ҳаво чиқарилган иккита паст қилинган юпқа деворли (0.05-0.2 мм) гоффириланган мембраналардан иборат система (7.а) қути маълум босимда инерт газ билан тўлдирилган бу эса унинг атмосфера босим таъсирида кавшарланиб қолишга имкон бермайди. Ташқи босим ошганда мемbralаналар қути ичига эгилади, ташқи босим пасайганда мембрананинг эластик кучлари туғриланишга интилади. Шундай қилиб, ташқи босим ўзгариш кўрсаткичи қути юқори ва паст асослари орасидаги масофани ўлчашдан иборат.

Асбоблар сезувчанлигини ошириш учун бир нечта бир-бири билан бирлаштирилган қутилар-анероид блоклари (7-б.р) ишлатилади. Турли системаларда пружинали барометрлар анероид қутилар ва силфонларнинг




3-расм

мембраналар марказлари чизиқли силжишлари ёки Бурдон винт спирали Бурдон бурилишларини ўлчаш масаласи турлича ечилади. Кўп вақтлар бу факат механик ричагли узатмалар бўлган, ҳозирги пайтда оптик механик оптик ва хоказолар қўлланилади.

Барометр-анероид (б.а) БАММ (Москва заводининг пружинасиз метеорологик анероид). Бу асбобда (8-р) анероид блок мембраналари узатма-ричагли механизми ёрдамида чизиқли силжишлари асбоб стрелкасининг бурчак бурилишларига алмашади.

1 Блок бир бирига кетма кет биритирилган анероид қутилардан иборат, босимни қабул қилувчилардир. Блокнинг бир учи қўзғалмас қилиб насос билан бирлаштирилган, қўзғалувчи учи қаттиқ 3 стержени билан боғланган; стерженнинг 2-учи 4 регулятор ричаги билан боғланиб, 6 ўқи мустахкамланган.



4-расм

Асбоб сезгирлигини 5 винт ёрдамида регулятор узунлигини ўзгартириш ҳисобига ўзгартириш мумкин. 6 ўқнинг юқори учida 7 ричаг мустахкамланган, у билан 8 тали занжирни бир учи бирлаштирилган. Занжир 2-учи 11 стрелка мустахкамланган 10 ўқ билан қўзғалмас биритирилган 8 роликка мустахкамланган. Атмосфера босим ўзгариши билан анероид қутилар блоки ўз ўлчамларини ўзгартиради, 6 ўқни буради, бу эса Талл занжирни орқали 8 роликни айлантиради, демак 2 стрелкани ҳам у мм. сим. уст. билан бирликларга ажратилган шкала бўйича силжийди. Асбоб

шкаласига 12 термометр бириктирган, ҳарорат ўзгариш чегаралари 15 дан $+40^{\circ}\text{C}$ гача.

Бу асбоб билан 600 дан 800 мм сим.уст гача атмосфера босимини ўлчаш мумкин. Шкаланинг энг кичик бўлиниш бирлиги 0.5 мм.сим.уст, ўлчаш 0.1 мм.сим.устгача олиб борилади.


Бу системанинг энг яхши барометрик анероидлари босимни 1.2-0.3 мм.сим.уст аниқлигига топишга ёрдам беради.

Барометрик анероид МД-49-2; МД-49-А. Бу асбоблар БАММ барометр модификацияси хисобланади. Анероид блокни чизиқли силжишларини асбоб стрелкасига механик ўрнатилиш схемаси БАММ даги каби МД-49-2 нинг ички суриниш 9-расмда келтирилган. МД-49-2 барометр анероиднинг босимини ўлчаш чегараси $790+600\text{мм.сим.уст}$, 1мм сим.уст аниқлигига атмосфера босимини ўлчаш аниқлиги 0.15-0.2 мм.сим.уст тоғли худудларада босимни ўзгариш чегаралари 820-300мм.сим.уст бўлган МД-49-А барометр анероид хисобланади.

Бу барометр анероидлар бўйича хисоблашларга тузатишлар. Р асбоб бўйича хисоблашларга Р атмосфера босимини аниқлаш учун фуийдаги тузатишлар киритилади: Шкалали $\Delta P_{шк}$, ҳароратли ΔP_t , ва ΔP_0 қўшимча босим

$$P = P' + \Delta P_{шк} + \Delta P_t + \Delta P_0.$$

формула билан хисобланади.



5-расм

$\Delta P_{\text{ик}}$ шкала тузатишиши киритиш зарурлиги барометр анероидларни ясашда шкалалари босим бутун диапазонли учун чизиқли ва берилган система барча асбоблар усули бир хил қилингани билан изохланади. Узатувчи билан хосил қилинадиган иккиланиш чизиқлилигини ҳисобга олиш учун $\Delta P_{\text{ик}}$ тузатиши киртилади. 100 мм.сим.уст.ли оралиқлар учун шкала тузатишлари миқдорлари ҳар бир асбобнинг текшириш далолатномсида берилади. Бу тузатишлар ўзгаришини ҳисобга олиб, икки марта ишни бошлаш олдидан ва унинг охирида бу тузатишни аниқлаш лозим.

Ҳарорат тузатиши ΔPt

$$\Delta P_{t_i} = bt_i,$$

Формула билан аниқланади, бу ерда b пропорционаллик коеффицент, t_i асбоб ҳарорати.

Баландликлар кесими фарқ қилувчи 200 м дан зиёд ҳудудларда ΔPt катталик

$$\Delta P_t = [\delta P_{t_{\Theta T}} + R (P_{\Theta T} - P_i)] t_i,$$

формула билан аниқланади, бу ерда δPt бирор $P_{\Theta m}$ босимда аниқлансан 1⁰ С да анероиднинг ҳарорат тузатиши;

$P_{\Theta i}R(P_{\Theta t} - P_i)$ анероид қутилари эластиклиги модулининг R ўзгариши билан боғлиқ 1⁰ Сга анероиднинг ҳарорат тузатиши t нинг ўзгариши билан анерод қутилар эластиктиги ва асбобнинг механик қисмлари параметрлари ўзгаради, бу эса кўрсаткичларга таъсир этади. Ҳароратнинг таъсирини бартараф этиш учун барометрик анероид кўрсаткичлари тегишли тузатишлар киритиш ёрдамида ягона ҳарорати (одатда 0⁰ С га) келтирилади.

Иккала ва ҳарорат тузатишларни ноаниқ ҳисобга олиб, асбоб механик хатолари мавжудлиги нолнинг бироз силжиши қўшимча тузатиш киритишни талаб этади.

Барометрик алтиметрлар



Кўшимча тузатиш симобли барометрда олинган босим билан ва барометр анероид шкаласи бўйича ўлчангандек босим орасидаги айирма олдиндан ҳарорат ва шкала бўйича тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда каби аниқланади.

ΔP_0 иш босимида ва унинг охирида аниқланади.

Радиотехник альтиметрлар




GPS-высотомер



2.3. Микробарометрлар.

Унга қуидагилар киради: оптик микробарометр ОТМ, пружинали микробаронивилер МБНП, микробарометр МБ-63, оптик микро баромер ОМБ-ЗП (ЗП модели), ва чет эл асбоблари Паулин (АҚШ), Аскания (Германия) лардир.


1 оптик микробарометр ОМБ-1 асбобда сезувчан элемент сифатида уч қутида анероид блокдан фойдаланилади, унинг чизиқли юриши 100 мбарда 5 мм. Босимни 0.03 мбар аниқлигига ўлчаш учун блок мембраннында силжиш ўлчаш хатолиги 0.15 ммдан ошмаслиги лозим. Бундай аниқликка эришиш учун иккапланган автоколлиматор кўринишдаги саноқ жиҳози қўлланилади. 10 р да келтирилган оптик микробарометрик схемасини қараймиз.



6-расм

Анероид блок бир учи билан күзғалиш қилиб метал каркас қути қисми билан мустахкамланган, унинг юқори қисмида қўзғалмас ойна 4 ва бўш учи анероид блоки 3 штосида ётган торли ўқда тебранувчи 5 ойна бириктирилган. Босим ўзгариши билан анероид блоки баландлик ўзгаради ва 5 ойнанинг горизонтал ўқ атрофида қўзғалмас ойнага нисбатан бирор бурчаг бурилиши рўй беради.

Бу бурчакни ўлчаш учун иккиланган автоколлимацион системалар, оптик микрометр ва саноқ микроскопидан иборат маҳсус қурилма бор. Нур манбаи 10 нур филтри 11 ва конденсатор 12 орқали ойна пластина 13 ни ёритади унда 2 та штрих тушурилган: биринчи бутун пластинкага, иккинчиси факат ёришгача, яъни пластинканинг юқори қисмида биссектор, куйисида битталик штрих ёруғлик нури ярим шадагор ойна 9 текислигидан қайтиб обектив 8 га туради ва параллел дасталар чиқади. Ер устидаги э блокка нурлар иккига бўлинади: биттаси 5 ойнага, иккинчиси 4 ойнага тушади.



7-расм

Улардан қайтган ёруғлик нурлари ер устидаги 7 блоки, 8 обектив локал текислигига жойлашган ва тўғри тўртбурчак шаклга эса 15 диаграмма орқали ўтади. У ҳолда 14 фокал текислигига 13 пластина штрихлар тасвири олинади. (11-а расм)

Юстир клини 6 га (10-р) шундай ҳолатга эришиш мумкинки, диаграмма қуйи қисмида окуляр кўриш миқдорида биссекторнинг автоколлиацион қўзғалмас ойна 4 дан нурлар иккиланиши билан ҳосил бўлади. Кўзғалувчан 5 ойна юстилигига аксинча бу ойнадан нурларнинг шундай пелланиши билан содир бўладики кўриш майдонида фақат битта штрих кўринадиган автоколлимацион қўзғалмас тасвирни кўтариш билан эришилади.

Кўзғалмас ойнаси горизонтал ҳолатда одинар қўзғалувчи штрих тасвири биссектор ўртасида жойлашади. Бундай ҳолат дастлабки ҳисобланади. Атмосфера босимининг ўзгариши 5 ойна оғишига олиб келади ва одинар штрих тасвири биссекторга нисбатан бирор миқдорга силжийди.

Ойна буриш бурчагига пропорционал штрихига силжиш атмосфера босим ўзгаришининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Кўзғалувчан йирик тасвирининг биссектрик нисбатан силжиши 21 линзали компенсатори билан қаттиқ боғланган 23 шкала 16 силжиш механизми билан ёрдамида ўлчанади. 20 обектив ва 18 ва 17 призмалар ёрдамида окуляр кўриш майдонида юқори қисмига пропорциалланувчи 400 бўлинишга эга 23 шкала бўйича 22 вернер ёрдамида саноқ олиб борилади.

100 мбарга босим ўзгариши 5 ойна оғишини 3°C га ўзгартиради, бу эса бутун унинг узунлигига яъни 400 бўлинишга шкаланинг силжиши билан ассинпектиранади. Демак иккиланиш бир бўлиниши ойнанинг тақрибан 27°C га оғишига мос келади ва 0.25 мбарга teng. Венвер ўлчашларни шкала бўлинишларининг ундан бир улушларига топишга имкон беради. Босим ўзгариши ўлчовларининг 100мбардан кўпроқ зарурлигига 25 оптик клин ишга тушинилади.. У ҳолда окуляр кўриш майдонида қўзғалувчи штрих тасвирига 95 мбарни ташкил этувчи 280-390 бўлинишларда энг чекка ҳолат ажратилади.


Анероид блок ва 4 ва 5 ойналар системаси атмосфера билан резина трубка ва асбоб юқори пастида жойлашган штуцер орқали бирлашган

герметик стаканга жойлаштирилган. Бу эса махсус барометрлардан фойдаланмасдан асбоб бўлиниш қийматини аниқлашга имкон беради.

2. Пружинали микробаронивилер МБНП. МБНП босим датчики (12-расм) бўлиб, бир-бирига жойлашган ва умумий асос 1 га қаттиқ жипслашган 2 та икки қутили анEROид блоклар 2 хизмат қилади.

